Tadqiqot.uz

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

## DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022




2022
MAY
№40

CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.
+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00
www.taqiqot.uz
www.conferences.uz

# ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 6-ҚИСМ

# НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ КОНФЕРЕНЦИЙ: ЧАСТЬ-6

# NATIONAL RESEARCHES OF UZBEKISTAN: CONFERENCES SERIES: PART-6

ТОШКЕНТ-2022

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:" [Тошкент; 2022]**

**"Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:"** мавзусидаги республика 40-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 9 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## ЖУРНАЛИСТИКА

**1. Гулшода Ҳусниддинова**
НУРАЛИ ҚОБУЛ ПУБЛИЦИСТИКАСИДА РОМАН-ПАМФЛЕТНИНГ ЎРНИ ................ 7

## ЖУРНАЛИСТИКА

# НУРАЛИ ҚОБУЛ ПУБЛИЦИСТИКАСИДА РОМАН-ПАМФЛЕТНИНГ ЎРНИ

**Гулшода Ҳусниддинова**
Самарқанд давлат чет тиллар
институти талабаси
+998 33 085 19 23
gulimuhtor1@gmail.com

**АННОТАТСИЯ:** Мақола ўзбек ёзувчиси, таржимон ва публицисти Нурали Қобулнинг публицистик мақолалари ва улар орасида памфлет жанрининг ўзига хос ўрнини ёритишдан иборат. Мақолада Нурали Қобул ижодиёти, унинг кўлами, услуби ҳамда унга бўлган эътироф бўйича фикр юритилди. Асаларининг моҳияти, услуб жиҳатдан устуворлиги, яратилган давр ва унга ўзаро мутаносиблигии аниқланди.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** "Салом тоғлар", "Тубсиз осмон", "Каптарлар қайтмаган кун", "Яшаш учун кечикма", "Буғдой пишиғига етмаганлар", "Унутилган соҳиллар", "Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт", «Сукут суиқасди ёхуд Сталиндан Саддамгача», Совет иттифоқи, захарханда.

Халқаро Аҳмад Яссавий, Максим Горкий ва Борис Полевой мукофотлари лауриятти, халқаро Чингиз Айтматов академияси аъзоси Нурали Қобул аслида машҳур ёзувчи ҳисобланади. У Марказий Осиёда энг кўп ўқиладиган, энг чоп этиладиган китоблар муаллифидир.

Унинг "Салом тоғлар", "Тубсиз осмон", "Каптарлар қайтмаган кун", "Яшаш учун кечикма", "Буғдой пишиғига етмаганлар", "Унутилган соҳиллар", "Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт" каби роман, қисса ва ҳикоялари мавжуд.ёзувчи болалар адабиётини ҳам назардан четда қолдирмаган ҳолда 1980-йил "Одам, Ойқор тоғ ва дайди шамол" номли шеърий эртагини яратади.

Нурали Қобул асли ёзувчи бўлишига қарамай ўзбек публицистикасида ўзининг катта ўрнига эга. Шунингдек, унинг публицистик фаолиятида памфлет ёзиш маҳорати алоҳида ўрин тутади. У ўзининг туркум роман-памфлетлари билан нафақат ўзбек журналистикасига, балки жаҳон журналистикасига ҳам улкан ҳисса қўшди, десак муболаға бўлмайди. У памфлет мақолалари билан жамият ҳаёти, сиёсатчилари ва уларнинг «адолатли» сиёсатини қаламга олди.

2018-йилга келиб ноанъанавий, янгича асар - роман-памфлетга асос солди ва «Сукут суиқасди ёхуд Сталиндан Саддамгача» асарини омма эътиборига ҳавола этди. Шундан сўнг бирин-кетин «Суиқасддан сўнгги сукут ёхуд Чингизхондан Черчилгача» (2019), «Тавқи лаънат тамғаси ёхуд Трумендан Трампу Таракидан Туркманбошигача» (2019), «Синалган ва синалмаган фариштaлар ёхуд Романовдан Рузвелту Распутиндан Путингача» (2021), «Оқпошшонинг қора туни ёхуд қандай ҳукумат - шундай мухолифат» (2021) номли туркум роман-памфлетлари майдонга келди.

Асар жуда жиддий, кўлами кенг мавзуни илгари суради. Унда тўғридан тўғри сиёсатга, нафақат ўзбек сиёсати, балки халқаро муносабатлар, уларнинг энг машҳур сиёсатчилари тилга олинади. Совет иттифоқи даврида юз берган ноҳақликлар, тубанликлар, халқ дарди ва кечмиши кулгу остига олинади. Бу кулгу остида аслида қаттиқ ғазаб, муҳитдан жирканиш туйғулари акс этади.

Бугунги кунга қадар уруш йиллари, совет иттифоқ даври, аҳоли турмуши кўплаб ёзувчилар томонидан турли асарлар шаклида яралди. Яратилган барча ҳикоялар, қиссаю романларда хўрланган халқ, товламачи ҳукумат, жабрдийда одамлар, бир сўз билан айтганда энг буюк дард ўз аксини топди. Нурали Қобул памфлетларида ҳам дард бор, қайғу бор,

ачиниш бор ва шу билан бир қаторда алам бор, ғазаб бор, интиқом алангаси бор. Ундаги ҳар бир қарашлар, ҳар бир туйғу кулгу аралаш акс этади, заҳарханда билан ўз тасвирини топади.

Дунё ҳамжамиятида памфлет ёзиш анъанаси азалдан юкак тараққий этмаган. Бунга сабаб сифатида кўплаб омилларни санаб ўтишимиз мумкин. Жумладанб, памфлетнинг кскирлиги, ҳақиқат ва адолатталаблиги, бутун инсоният учун ноҳақлик қилаётган сиёсатни танқид остига олганлиги ва ниҳоят буларнинг барчаси ҳукумат томонидан яхши қабул қилинмаганлигидирю шу билан бирга памфлет ёзувчи журналист, ёзувчилар тақдири ҳавас қиларли даражада эмаслигидир.

Бироқ шунга қарамай мазкур жанр ўзбек журналистикасига ҳам кириб кела олди. Журналистларга нисбатан қўйилган эркинлик ўз самарасини берди ва Нурали Қобул асарлари сингари мақолалар тобора матбуот ва интернет юзини кўрмоқда.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Буранов А. “Сукут суиқасди” ҳақида айрим мулоҳазалар.
2. Адабий турлар ва жанрлар. I-жилд. – Т.: Фан, 1991.
3. Ампилов В.А. Современный газетный очерк. Минск, 1972.

# ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 6-ҚИСМ

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.05.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000